

67-40  
0-49

# ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ




67-40  
0-49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ФАН,  
ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ  
ҚУМИТАСИ  
РЕСПУБЛИКА "МАЊАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ" МАРКАЗИ

Султонмурод ОЛИМ  
Шамсилин ЖУМАЕВ

# ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ



ТОШКЕНТ "МАЊАВИЯТ" 2002

Байроқ, герб, мадхия...

Бу уч сүзини ДАВЛАТ түшүнчесидан айри тасаввур қилиш қийин.

Мустақилликни қулга киригип, байроғи, герби ва малхиясига эта бұлған халқ, аввало, үз тақдирини узи белгилайди.

Байробимиз, гербимиз ва мадхиямиз—давлатимиз рамзлари.

Бу уч миллий тимсолда халқыннан үтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, тийнати, орзу-үйи, маслак-мақсади мужассам.

Құлингиздеги китобча шу ҳақда.

Масъул мұхаррирлар: *Нарзулға Жұраев,*  
*Аслиддин Болшев*

МИЛЛИЙ ТИМСОЛЛАР ВА РАМЗ-  
ЛАРНИНГ ҲАР БИРИ МИЛЛИЙ  
ФУРУРИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШГА  
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. УЛАРНИНГ ҲАР  
БИРИ КАТТА БИР ДАРСЛИК,  
КУЧЛИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИДИР.

*Ислом КАРИМОВ*

## **БИРИНЧИ БОБ БАЙРОГИМИЗ – ЯЛОВИМИЗ**

*18 ноябрь (1991) – Узбекистон Республикаси  
Давлат байроти қабул қилинган кун*

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОГИ ТҮҒРИСИДА**

**1-модда.** Узбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқланисин (илова).

**2-модда.** Узбекистон Республикасининг Давлат байроти Республика давлат суверенитетининг рамзицир.

**3-модда.** Узбекистон Республикасининг Давлат байроти халқаро майдонда: Узбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чогида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмала-

рида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли булади.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби — байроқнинг бугун узунлиги бўйлаб ўтган түқ мовий ранг, оқ ранг ва түқ яшил рангли учта эндан таркиб тонгани тўрги тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунилиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларниң кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли энининг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳоаниялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли энининг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларниң тасвири мовий рангли юқори энининг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сигадиган қилиб жойлантирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлантирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сигади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сигади. Доиралар орасидаги масофа — 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда — учта, урта қаторда — туртта ва қуи қаторда — бешта юлдуз. Қуи қатордаги юлдузлар янги ойнинг настки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроти:

1) доимий суратда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ашхабати биносида;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенганинг биносида;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

Қарақалпакистон Республикаси Олий Кенганинг ва Ҳукумати биносида;

Ўзбекистон Республикаси ҳалқ депутатлари маҳаллий Советлари биносида;

Ўзбекистон Республикаси доимий ваколатхоналари биносида;

2) ҳалқ депутатлари Советларининг сессиялари ўтказиласетган бинолар ва уйларда — бутун сессия давомида;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам күшларда Ўзбекистон Республикаси ва Қарақалпакистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек, тураг жой биноларида;

4) Ўзбекистон Республикаси ҳалқ депутатлари, Республика ҳалқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови кунларида ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказиласетган биноларда ва уйларда;

5) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консулийк муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатия протоколининг ҳалқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазири — Миллий гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошчиқлари тунгган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали гаджирларда;

9) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чогида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақағолибларини мукофотланш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

**6-модда.** Ушбу Қонуннинг 5-моддаси З-бандида кўзда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади, 5-моддасининг 4-бандида кўзда тутилган ҳолларда эса овоз беришни ёки референдумни ўтказиш даврида кўтариб қўйилади.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатларининг байроғи кўтарилса, Ўзбекистон Республикаси

ликасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турғанда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан қутарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари қутарилганида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи алоҳида, қолғаплари эса ўзбек алфавити бўйича қутарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлантирилиши керак.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхул тегинсли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан купи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиласидаги тарзда қутарилади.

Қутариб қўйилган Давлат байроғининг матоси ердан камила 2,5 метр баландликда бўлинни керак.

**9-модда.** Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Конгресси Раёсатининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб қутарилали. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг  $1/20$  қисмига тенг бўлган конгреликлаги қора тасма бояланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигига осилиб туради.

Байроқ мотам муносабати билан флагштокда қутарилган тақдирда у флагшток узунигининг  $1/3$  булагича тунириб қўйилади.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Дав-

лат байроби ва унинг тасвири, катта-кичик-лигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байробини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўғарини чоғида ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилинини учун маъсулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ туаржой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланинни ташкил этиши тоинирилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилиди.

**12-модда.** Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб борини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига юклатилиди.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байробини хурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байробини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларила белгиланган тартибда жазоланаиди.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

*И. Каримов*

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 18 ноябрь

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОГИ ТАСВИРИ**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроти Узбекистон Республикаси Олий Кенганинг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган.

Давлат байроти ва унинг рамзи буғунги Ўзбекистон сарҳадила қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъана-ларини ўзила мужассамлантиради.

1. Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни аке эттан мангу осмон ва обиҳаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, дошишмандликни, ҳалолликни, шои-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байрогининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи булиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйгуналашиб кетади. Оқ ранг — поклик, бегуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка итилишнинг тимсоли.

3. Яшил ранг — табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўнгина ҳалқарда павқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қызыл чизиқтар — вужудимизда жүшиб оқаётган ҳаётий құдрат ирмоқтарини англаатади.

5. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий аңъаналаримиз билан бөглиқ. Айни пайтда у құлға киритилған мустақиллігимиз рамзи ҳам.

6. Юлдузлар барча учун руҳоний, илохий тимсол саналған. Үзбекистон Республикаси Давлат байропидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий аңъаналаримиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бұлған әзтийордымиз Үзбекистон сархадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нұжум илми тараққий эттанлиги билан ҳам изохланади.

Давлат байропимиздаги 12 юлдуз тасвирини узбек халқи маданияттанинг қадимийлиги, унинг комилликка, үз тупроғида саодатта ингилишини рамзи сифатида тушунниш лозим.

## ТИМСОЛЛАР – МУҚАДДАС

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлық, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналған. Ҳамма замонда ҳам булар шунчаки давлат сиёсатини амалға ошириши воситасигина булиб қолмаган. Аксинча, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиши ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида үз ифодасини топған. Шу боис аждодларимиз ҳаётида рамзлар ва тимсоллар жуда әззозланған. Одамлар давлат тимсоллари учун үз

жонларини ҳам фидо этгандар. Жангу жадалларда байроқнинг қулани ёки душман қўлига ўтиши маглубият билан баробар турган.

Бунга тарихимиздан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1221 йилинг кузидан мўгул босқинчилари олти ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти Гурганжга ёнирилиб кирганида Шайх Нажмидин Кубро шаҳар мудофааси раҳнамоларидан бирига айланади. Тенгиз курашда уз куксини душман пайзасига қалқон қилиб, юрт озодлиги йўлида шахид булади. Айтишларича, Шайх үлими оёдидан мўгул яловбардоридан байрогини тортиб олиб, ерга қулайди. Ёвға нисбатан нафрат шу қалар кучли эдики, мўгуллар кейинчалик Шайхнинг жонсиз қулидан байроқларини тортиб ололмаган ва унинг панжаларини кесиб, уз байроқларини ажратиб олган.

Шайх Нажмидин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги бу жасорати — мана, қарийб саккиз юз йилдирки, барча авлодларга зўр бир ибрат намунаси.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроби катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият қасб этган. Шусабабли жангу жадалларда давлат байрогини Амир Темурниш энг ишонган баҳодир синоҳийлари қўриқлаган. Темур тузукларида таъкидланинича, душман устидан шижаот ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва синоҳийлар давлат тимсоллари — тур ва ногора билан мукофотланган. Бу — соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолат беради.

Хўн, бугунги кунда мустақил давлатимиз рамзлари, хусусан, милят турури бўлган байроғимизга муносабат қандай?

Келажаги буюк давлат барно этиш гояси мустақиллігимизнинг илк кунларида ёқ қабул қилинган давлатимиз рамзларида ҳам ўз ифодасини топган. 1991 йилнинг 18 ноябринда қабул қилинган байробимизда ҳам халқимизнинг ҳоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида тонгалган гуури, кайфияти акс этган.

Давлатимиз байробидаги япиги чиқиб келаётган ярим ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранглар ҳамда қизил ҳөшия чизиқлар халқимиз гуури ва келажакка бўлган ишончининг мужассам ифодаси ҳисобланади. Байробимиз халқимизнинг ифтихор тимсолига айланди. Мамлакатимиз миқёсида ўтказила бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байробини тантанали суратда кутариш, малҳиямизни куйлаш билан очиладиган бўлди. 1992 йилнинг 2 марта БМТга аъзо мамлакатлар сафида Узбекистон байробининг ҳилнираши миллий гууримизга гуур кўшиди.

Давлат байробининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябряда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби тўғрисида”ги Қонун билан мустаҳкамланган. Бу қонунда байробимизнинг шакл-шамойили, фойдаланиш йўл-йуриқлари аниқ курсатиб берилган. Уша найтдан бошлаб болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларида душанба кунги сабоқлар Давлат байробининг тантанали суратда кутарилиши, болаларимизнинг унг қўлини кўксига кўйиб малҳиямизни куйлашидан бошланиши фарзандларимиз қалбida Ватанга, Давлатимиз рамзларига нисбатан илиқ муносабатининг найдо бўлишига олиб келди.

Зеро “ватаннарварман” деган ҳар бир инсон, энг аввало, бебаҳо ижтимоий-сиёсий қалдриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Давлат рамзларига бўлган муносабатимизни, аввалимбор, Давлат рамзлари тұғрисидаги қонунларни ўрганипидан бошлашимиз керак. Хуш, бугун Давлат рамзлари тұғрисидаги билимларимиз етарлимис?

Бу борада болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар, қасб-хунар колледжлари, олий уқув юртларидаги аҳвол күнгиллагидек.

Аммо ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда Давлат рамзларини ўринатиш, жиҳозланыш масалаларида әзтиборсизликка йўл қўйилаётганига гувоҳ бўламиз. Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари хизмат хоналарида байроқни дастасига үраб-чирмаб, бир бурчакка суюб қўйишларини қандай тушуниш мумкин?

Ёки корхона, ташкилот, муассасаларнинг мажлислар залларида Давлат рамзлари тұғри ўринатилганими? Шунингдек, айрим ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ҳудуллари деворларидаги байроқ тасвири чала чизилаётганилиги уша ташкилот, корхона, муассасалар мутасадиларининг Давлат рамзлари тұғрисидаги билимлари ўта саёз эканлигидан далолат бермайдими?

Бундай раҳбарлар “Узбекистон Республикасининг Давлат байроби ва унинг тасвири, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирга аниқ мос бўлиши керак” лигини (10-молла) ҳеч уқиб кўрганмикинлар?

Шунингдек, Қонунда: Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўғариш чоғида унбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилинини учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ тураржой биноларида кўтарилиган вақтда эса уларнинг эгалари ёки улардан фойдаланинши ташкил этишин тоширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилганигини (11-модда) билармиканлар?

Бу билан корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларини айбламоқчи эмасмиз. Биз қураётган жамият кўпроқ тушутириши, тарбибот-ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Худди шу йўналишида Республика “Маънавият ва мърифат” маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мунтазам тарбибот ишларини йўлга қўйган. Марказ Давлат рамзларини амалдаги қонунлар асосида тўғри ўрнатиш ўйналишида ўз тавсияларини бериб бормоқда.

Бу тавсиялар қўйидагилардан иборат:

— биноларнинг нештоқларида байроқни тўғри ўрнатиш, қўёш нури, ёмғир, чанг-тўзондан ранги учиб, эскириб қолган байроқ халқимизнинг руҳияти, кайфиятига мос келмаслигини ҳисобга олиб, кўп иплатилган байроқни янгилашиб туриш;

— байроқ хизмат хоналарида (кабинетда) ўрнатилаётганда маҳсус мослама тагликда раҳбарнинг чап томонида тик ҳолатда туришига эришини;

— биноларнинг асосий кириш жойларида кўтарилиганда байроқнинг дастасини бинонинг олд томонига нисбатан кўни билан 45 градусли бурчак ҳосил қиласидиган даражада кўтариш;

- очиқ майдонда ўрнатилаётган байроқнинг матоси ердан камида 2,5 метр баландликда бўлишига эришин;
- биноларнинг олд томонида (очиқ майдонда) бошқа давлатларнинг байроқлари билан ўрнатилганда, Ўзбекистон Республикасининг байрогини (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан алоҳида, бошқа давлатларнинг байроқлари чан томондан ўзбек алифбосидаги тартиб асосида, бир хил баландликда жойлантириши;
- байроқнинг тасвири туширилаётганда ёки чизилаётганда, Қонунда белгиланган схематик ва рангли тасвирга қатъий амал қилиши;
- байроқ ёки рамз ва тимсоллар таснифи тартиб этилаётганда, уни қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этиши;
- хоналар, синф хоналари, аудиториялар, мажлис заллари, маънавият ва маърифат масканларида Давлат рамзлари ўрнатилаётганда, тасвири туширилаётганда ҳамиша олд томонда ўрнатилини мақсадга мувофиқ.

Буларнин барчаси кишиларнинг сиёсий-маънавий қайфиятига ижобий таъсир этишини ҳеч унугтаслигимиз лозим. Давлат рамзлари худди она Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларда ҳалқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини тонган. Рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий түрур, фидойилик ва ватанинварликни шакллантиришида ёнг муҳим воситалар ҳисобланиб келган. Рамзлар ва тимсоллар ҳалқнинг тарихи, руҳияти, анъаналари билан чамбарчас боғлиқ.

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **ГЕРБИМИЗ — ФАХРИМИЗ**

**2 июль (1992) — Узбекистон Республикаси  
Давлат герби қабул қилинган кун**

### **УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

### **УЗБЕКИСТОИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТҮГРИСИДА**

**1-модда.** Узбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқланисин (илова қилинади).

**2-модда.** Узбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзиdir.

**3-модда.** Узбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги куриништа эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қўён заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида

республика хурлигининг рамзи сифатида саккизбүрчак тасвириланган булиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвириланган. Гербнинг марказида баҳт ва эркесварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қупи тасвириланган. Гербнинг настки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантгидаги “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг ранги куринишида: Ҳумо қупи ва дарёлар — кумуш рангида; қуёш, бошқолдар, пахта чаноқлари ва “Ўзбекистон” ёзуви — олтин рангида; чаноқлардаги шахта — оқ рангда; лента Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбүрчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар — олтин рангидаги тасвириланган.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

1) қўйидаги биноларда:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти деянияниң биносида;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиниң биносида;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининиң биносида;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳақ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг биноларида;

д) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, Республика Президенти ҳузуридан Вазирлар Маҳкамасига қаранили биноларида;

е) Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судлари биноларида;

ж) Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг биноларида;

з) Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиялари, Президентлик Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган биноларда, судлар ва ҳакамлик судлари суд мажлислари ўтказаётган хоналарда, шунингдек, туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, унинг Раёсати, қўмиталари, комиссиялари ва Республика Олий Кенгашининг Котибияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталарининг; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қаранили бошқа идораларининг, Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судларининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ҳалқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, давлат нотариал контораларининг, Ўзбекистон Республикаси

ликаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек, Узбекистон Республикаси қонунлари билан муҳрлар ва бланкаларда гербининг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларининг муҳрлари ва бланкаларида;

4) Узбекистон Республикаси Президентининг, Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг расмий панэрларида;

5) Узбекистон Республикасининг нул-буом лотореялари билетларида;

6) Узбекистон Республикаси фуқаросининг наспортида, шунингдек, Узбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатия ва ўзга чет эл наспортларида;

7) Узбекистон Республикаси давлат чегараларида ўриятиладиган сарҳад столбаларида ўринатиб қўйилади.

Узбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан Узбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мажлис залларида, судлар ва ҳакамлик судлари — суд ўтказиладиган мажлис залларида, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари — туғилиши ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда фойдаланишлари мумкин.

Узбекистон Республикасининг қонунларида Узбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини акс эттириш мажбурий бўлган бошқа ҳоллар ҳам пазарда туғилиши мумкин.


**5-модда.** Узбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаштган тасвири, унинг катта-кичиликвидан қатъи пазар, унбу Қонунга илова



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ

**2 июль (1992) — Ўзбекистон Республикаси  
Давлат герби қабул қилинган кун**

# ЎЗБЕКИСТОН



**Давлат номи** — “Ўзбекистон Республикаси”. У “Ўзбекистон” — деб ҳам юритилаверади.

**Ўзбекистон** — суверен демократик республика, яъни мустақил, унитар давлат.

**Давлат тузуми** — Республика, Президентлик Республикаси.

**Маъмурий-худудий** тузилиши — 14 маъмурий-худудий бўлинма, яъни Қорақалпогистон Республикаси, 12 вилоят (Андижон, Жиззах, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё) ва Тонкент шаҳридан иборат.

# РЕСПУБЛИКАСИ



**Худуди** — 447,7 минг кв. км.

**Пойтахти** — Ташкент шаҳри.

**Аҳолиси** — 24 миллион 800 минг. 130 дан ортиқ миллат ва эзлат вакиллари истиқомат қиласди. 75,5 фоизи ўзбеклар.

**Давлат тили** — узбек тили.

**Пул бирлиги** — сўм (1 сўм — 100 тийин).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОФИ

**18 ноябрь (1991) — Ўзбекистон Республикаси  
Давлат байроғи қабул қилинган кун**

қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирга аниқ мос бўлинни керак.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвиридан фойдаланиш хукуқи берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**7-модда.** Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари зиммасига юклатилади.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербini беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

*И. Каримов*

Тошкент шаҳри  
1992 йил 2 июль.

## **УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТАСВИРИ**

Узбекистон Республикасининг Давлат герби Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июль куни тасдиқланди.

Узбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қүёш тасвиридан ҳамда сўл томонида буғдой бошоқлари, ўнг томонида очилган паҳта чаноқлари суврати туширилган чамбардан иборат. Гербнинг юқори қисмида республика жинслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир. Герб марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзib турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, баҳт-саодат, фаровонлик йулидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербнинг пастки қисмидаги республика Давлат байрогини ифодаловчи уч рангдаги чамбар бандига “Узбекистон” сўзи битилган.

“Герб” сўзининг тарихи ҳақида қисқача маълумот:

“Герб” сўзи немисча “хербо” сўзидан олинган булиб, шохлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга мерос қолувчи мулк белгисини англаатади.

Бундан 2500 йил муқаддам улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ўғузхон даврида ҳам туркча “тамға” сўзи айнан шу маънони билдиради. XII асрнинг машҳур тарихчиси Рашидиддин Ҳамадоний “Ташланган тарихлар” китобида шаҳодат беришиб, Ўғузхон ўз молмулкларини ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга булиб, инъом этган. Ушбу давлатлар ҳукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамғаларига эга эди.

Кўриниб турибдики, “тамға” сўзинин маъноси немисча “хербо” сўзининг маъносига тұла мос келади.

## TAMҒАМИЗ

Ҳар қандай давлатниң ўз тамгаси, ўз байроғи, ўз мадҳияси булади. Күплар бу замонавий давлатчилик талаблари илдизини Фарбдан қиришига ўрганиб қолған. Аслида эса ундей эмас.

Талай ўзбек зиёлилари түгри курсатиб берганидек, Эрондан Олтойғача бўлған минтақаларга эгалик қилған туркий хоқон Ўгузхон давлатида олмонча “хербо” сўзининг маъносини айнан ифодалайдиган “тамға” атамаси истеъмолда эди. Шунга ҳам икки ярим минг йил булибди. Демак, жаҳонда тамганинг давлат рамзларининг бирига айланини ҳам, қайсиadir томондан, бевосита

қадим ўзбек давлатчилигига бориб тақалади (Бу ҳақда қарант: “Халқ сүзи”, 1992 йил, 2 апрель).

Тарихчи олимларимизнинг Мирзо Улугбекка асосланниб маълумот берипича, ҳозирги Ўзбекистонимиз тупроғида XIII — XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо қарвонларидан олиналиган “тамға солиги” бўлган. Ҳатто, ҳозирги русча “таможня” сүзи ҳам, аслида, айнан “тамға божи” бирикмасидан олинган.

Демак, бож тизими ҳам дастлаб ӯзимизда пайдо бўлган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди.

Бугун Ўзбекистонни жаҳоннинг турли бурчакларida гербига қараб ҳам танийдилар. Бугун мамлакат фуқароларига тамғамизни таърифлаб ўтирини шарт эмас.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, тамғамиздаги ҳар бир чизик, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъни бор. Айтайлик, ўнг томони чапоқлари очилган гуза, чап томони буёдой шохларидан иборат чамбар ичра тоғлари, дарёлари бор гуллаган водий узра қўёни нур таратиб турибди.

Бу айнан жаннатмонанид лиёримизнинг тасвири эмасми?

Юқорида мамлакатимиз ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак, яъни миллий наққонлигимизда кўп қўлланган анъанавий мусамман акс эттирилган. Унинг ичida ярим Ой ва юлдуз бор. Бу ҳам биз учун аждодлардан мерос булиб келаётган рамзлардан бири. Гербнинг марказидаги қанотларини ёзган Ҳумо қуши баҳт ва эркесварлик рамзи ҳисобланади. Ҳалқимиз Ҳумони азалдан давлат қуши сифатида тасаввур

қилиб келган. Зардуштийликда Ҳумо гузал қуш қиёфаидаги баҳт, тақдир ва бадавлатлик танғриси ҳисобланган.

Гербимизнинг пастки қисмида давлатимиз байробини ифода этувчи чамбар лентасининг бандида “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган. “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонунида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қайси биноларда ўрнатиб қўйилиши белгиланган.

Қонуннинг 8-моддасида шундай сўзларни уқиймиз:

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербini ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербini беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланиди”.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1999 йил 15 апрелидаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонуннинг айrim бандларига муайян ўзгаришлар киритилди. Жумладан, бундан буён ярим Ой ва юлдузлар олтин рангда эмас, оқ рангда бўладиган бўлди.

Давлат герби — мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белги. У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос гурур, энг муҳими, юрга меҳр уйғотади.

Ўзбекистон бир узук бўлса Давлат герби — гўё шу узукнинг кўзи.

## **УЧИНЧИ БОБ**

### **МАДҲИЯМИЗ – ФУРУРИМИЗ**

**10 декабрь (1992) – Ўзбекистон Республикаси  
Давлат маධияси қабул қилинган кун**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТҮҒРИСИДА**

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат маධиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат маධияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзиdir.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат маධиясига зур ёхтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватаншарварлик бурчидир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат маධияси:

1) Ўзбекистон Республикасида ишонпланадиган умумхалқ байрамларига бағиiplангандан тантаниали йигилинилар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёнилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тонкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида пешонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали — дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни пешонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, ҳалқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўринатиладиган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёлгорликлар ва бошқа иниоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар, бошқа корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблар билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олини воситаларида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда, тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларнинг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилали — ашуланинг бошланиши ва нақарот бир мартадан айтилади.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонуни билан тасдиқ-

ланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоги лозим.

**7-модда.** Узбекистон Республикасининг Давлат маҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, ёркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қулини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

**8-модда.** Узбекистон Республикасининг Давлат маҳиясини;

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек, маҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларниң ҳарбий салом берини — ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек, маҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларниң салом берини — Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан;

ўкув юртларида ижро этиш — Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келиниб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

**9-модда.** Узбекистон Республикаси худулида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Узбекистон Республикасининг Давлат маҳияси Узбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қумитаси манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Узбекистон Республикасининг Давлат маҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташки-

лотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

**10-модда.** Хорижий давлатлар худудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳияси ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташкилотлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

**11-модда.** Ички ишлар идораларида, ўқув юртларида, спорт мусобақалари вақтида, шунингдек, хорижий давлатлар худудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегинчи тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонуни талабларига асосланиб белгиланади.

**12-модда.** Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилшини кузатиб бориш давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирланышмаларининг раҳбарлари зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат байрогини қутариш вақтида ижро этиладиган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тұғырылғанда Қонуннинг аниқ бажарилшини кузатиб боришни шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бониқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам юкланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

*И. Каримов*

Тошкент шаҳри  
1992 йил 9 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ МАДХИЯСИ

*Абдулла ОРИНОВ сўзи      Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси*

Серқуёш, хур ўлкам, элга баҳт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшиагай то абал илму фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

**Нақарот:**

Олтин бу волийлар — жон Ўзбекистон,  
Ажлодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуг халқ қудрати жўш урган замон  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ён авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқдол манъали, тинчлик посбони,  
Ҳақссевар она юрт, мангу бўл обод!

**Нақарот:**

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Ажлодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуг халқ қудрати жўш урган замон  
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

## **ОЛТМИШ СЎЗНИНГ СОҲИР ҚУДРАТИ**

Мана, 1992 йил 10 декабрдан бўён мадҳиямиз жаранглаганда, ҳаммамиз уни тик туриб эши тамиз, имконини тоисак, жўр бўлиб қуйлаймиз. Тилгинаси чиқиб-чиқмай боғчага борган болакайларимиз уйга келиб, узининг чучук “шева”-сида уни айтиб берса, беихтиёр кўзларимизда ёш айланади. Шундай юртга эга бўлганимиз, уни баралла мадҳ этаётганимизга шукроналар қила-миз.

Мадҳиямиз турли муносабатлар билан чет элларда янграганда, биз уни бошқа давлатлар мадҳиялари билан қиёслаш имконига эга бўламиз. Ҳар кимники үзига, ой қуринар қўзига, легап мақол бекорга айтилмаган. Лекин буни мадҳиямизга нисбатан қўлдан тўғри эмас. Чунки, чини билан, Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мадҳия жанрипинг дунёдаги бир мукаммал намунасини яратган. У ҳар қандай ўзбекистонликнинг руҳини кўтариб, қалбини жўнурдиради, фахр туйғусини кучайтириб юборади.

Мадҳия матнини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзган.

Мўъжазгина бу мадҳиялда Абдулла Орипов ижодига хос энг муҳим жиҳатлар ўта ихчам тарзда ўз аксини тоғган, дейиш мумкин.

Биринчидан, шеърда ватагашварварлик руҳи ҳалди аъюсига кўтарилган. Юрт мадҳи, аслан,

Абдулла Орипов шеъриятининг бош мавзуи бўлиб келган.

Иккичидан, мати ниҳоятда пухта-нишиқ — бир суз кам ё ортиқча эмас.

Учинчидан, ҳар бир калимага муайян ижтимоий вазифа юкландган.

Туртинчидан, қўшиққа мўлжалланган мати — бўлгани учун ҳам, унда жарапт — баланд, қофиялар тўқ, ички оҳангдорлик ҳам жуда кучли.

Мати ўзи бор-йуги турт бацлдан иборат. Нақарот икки бор келганини ҳисобга олсак, жами ўн икки сатрда бор гап айтилган-куйгаи.

Суз унча күп эмас: то билан токини ҳам кўниб ҳисоблаганда — 63 та. Лекин то 2 (то, токи) ва сен 3 (сен, икки бор сенга) карра ишлатилганни инобатга олинса, жами бўлиб 60 та такоррориз суз кўллангани ойдинланиди.

— Шеър анъанавий бармоқнинг ун бир буғинли  $6 + 5$  туроқли шаклида ёзилган. Яъни барча мисраларда ҳар олтинчи буғиндан кейин, албатта, суз тугайди ва етинчи буғин ҳар сатрда янги сўзни боплайди. Бу маҳдия мусиқаси талабларига мос келадиган энг муқобил вазн ҳисобланади.

Ҳозир бу матини атак-чечак қилиб эндиғина боғчага борган болакайлар ҳам осонгина ёдлаб олиб, қийналмай, тутилмай айтишингити.

Бунинг сири нимада?

Матининг бирор сезиб-сезмайдиган күп бадиий сири бор. Булар сўзларининг маржонлек терилгани, ёдлани осонлиги, талаффузига қулайлигига куриналиди. Лекин бунга асос булган энг муҳим хусусият шуки, шоир фақат қисқа-қисқа сўзлар ишлатади. Узбекистон сузидан бошқа, ҳатто, бирорта турт буғинли калима ҳам йўқ.

Такрорлари билан ҳисоблаганды жами 63 сүзниң бүгіншар асосидаги манзараси қуйидагича:

- 1 бүгіншілі сұзлар — 16 та;
- 2 бүгіншілі сұзлар — 26 та;
- 3 бүгіншілі сұзлар — 20 та;
- 4 бүгіншілі сұзлар — 1 та.

Яна бир фазилати — шеърда товушлар оқанғдорлиги (аллитерацияси) ҳам жуда күчли. Масалан, жами 132 бүгіншінің 42 таси — “а” (пақарот такрорида яна 15 та құшилиб, жами 57 тани ташкил этади). Бу үзиге хос мусиқий жозиба пайдо қылған. “О” товуның қандай оқанғдор мусиқа яратишнини бир тасаввурингизге көлтириңг. “И” уилеми — 26 та (пақарот такрори билан 34 та).

Демак, тилимиздеги мавжуд 6 унлидан 3 таси маңғыямында устуворлик қиласы. Улар биргалашиб 132 уишинин 99 тасини ташкил этади.

Бир мұхим жиһатни назардан қочирмаслық керак. Гарчи, миқдорига күра, “а” товуның құпроқ ишілдегендегі бұлса ҳам, шеър оқанғида “о” уилеми устуворлик қылған. Чунки шеърда жами 6 қофия (6 қофиядош жуфтілік — 12 сұз) мавжуд. Шунинг барыда “о” товуши қофиянің узвий таркибида иштірок эттан. Ҳатто, улардан 10 та сұзда “о” охирғи, 2 тасидагина эса охирғидан бінта олдинги бүгін булиб келған. Ўзбек тилида ургу, асосан, сүзниң охирғи бүгіншегін тушады. Бирок қофияда әндегі жарангоси баланд сұзлар көлтирилады. Охирлары “о” уилеми бүгін билан тугайдың сұзлар бунга жуда мое келади. Демак,

“о” сатрларни ўзаро оҳантдошлиқда унлаб турған энг асосий занжир вазифасини ўтаган.

Қолган З унлига эса 33 бўғин ажратилган: “у” унлиси — 12 та (нақарот тақори билан 18 та), “з” унлиси — 11 та (нақарот тақори билан 13 та), “ў” унлиси — 10 та (нақарот тақори билан 12 та).

Айнан “а”, “о” ва “и” унлилари ўзбек тилида қўниққа мос, қулоққа ёқадиган товушлар хисобланади. Бироқ, шоир буларни санаб ёзган, деган холосага бормаслик керак. Ҳар ҳолда, савқи табиий (интуиция) билан бўлса ҳам, Абдулла Оринов бу юрг аҳлиниң БОШ ҚУШИФИ бўлинини ҳисобга олиб, унинг ута жарангдор ва мазмундор бўлиншига интилган. Шубҳа йуқки, матнини жуда қаттиқ ишлаган.

Кўнлар шеърни бундай “майдалаб” таҳлил этишини ортиқча деб билади. Ҳатто, бунга асос сифатида шеърий ижодниң чинакам илҳом маҳсулни эканини важ қилиб келтирмоқчи ҳам бўлиншади.

Йўқ, ҳар қандай шеърниң “моддий” асоси бор — у товушлар, бўғинлар, сўзлар, сатрлар, жумлалар ва бандлардан иборат бўлади.

Демак, таҳлил ҳам шундай асосда олиб борилини керак. Агар танқидчи буни тан олмаса, у шеъриятниң қонуниятларидан бехабар. Мабодо, қайси бир шоир ҳам тан олмаса, демак, у ҳали ҳам ҳаваскор, бу ижодни фақат шунчаки илҳом ҳосиласи деб билиб юрибди.

Хўш, жами 132 бўгиндан иборат матнда шоир қандай гояларни илгари сура олди экан?

**Биринчиси** — Узбекистон деган юрга таъриф берилади. У жон Узбекистон, серқўёш, ҳур ўлкам.

**она юрт, оламни маҳлиғ айлаган диёр тарзида турли-турли ифодалар билан мадҳ этилади.**

Бунда бир муҳим нарсага дикқат қилиш керак. Биринчи мисрада хур ўлка деб кетавериш ҳам мумкин эди. Лекин, ахир, мадҳия худди ҳар бир фуқаронинг қалб сўзи, кўнгил ифодаси янглиғ айтилиши керак-ку. Шунинг учун шоир топади— биринчи шахс, яъни фуқаро тилидан ўлкам дейди. Шу биргина товуш (-м эгалик қўшимчasi) мадҳияни гўё йигирма беш миллион кишининг *ўзиникига* — “шахсий мулки”га айлантиргандек...

Ватанинг серқўёшлии, ҳурлиги, унда то абал илму фан, ижод яшнаяжаги, шуҳрати жаҳон тургунча порляжаги, элга баҳт, нажот, дустларга йўлдош, меҳрибон, истиқлол машъали, тинчлик посбони, ҳақсевар эканлиги ва ҳоказолар айтилган.

*Иккичиси* — халққа таъриф берилган. У эл, халқ, узбек деган сўзлар билан тилга олинади. Бунга қўнимча равишда, яна аждодлар ва авлодлар ҳам эслаб ўтилади. Чунки халқ тушунчаси ҳамиша ана шу икки “қисм”нинг бир бутунлигидан иборат.

Аввало, у улуғ халқ дейилган. Шуро даврида, биласиз, биргина “улуғ халқ” бор эди. Уни ҳамма “oғa” дейинига мажбур, бошқалар эса “ини” эди.

Мадҳиямизда халқнинг хусусиятлари билан Ватанинг фазилатлари уйғунлашиб кетган. Биз уларни, шартли равишда, иккига бўлдик, холос. Амалда, юрт ҳақида айтилганларнинг барини эл тўғрисида ҳам деб қабул қилиш керак.

Бунга Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърида чиройли жавоб ҳам берилган:

*Хуш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгии, десалар менга,  
Шоирона, гузал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиласман она халқимга.  
Халқим, тарих хукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Корликларни макон этган бўлсайдинг,  
Мехрим бермасмидим ўша музларга?*

Куриниб турибдики, маҳдия матнида шоир ана шундай ўз ижодий йўналиниларига содик қолган. Бони қунигимизнинг Абдулла Орипов умунижоди билан жиҳдий вобасталиги бор.

*Учинчиси* — истиқлолга таъриф берилган. Нақаротнинг учинчи мисрасида жаранглаган:

*Улуғ халқ қудрати жүш урган замон, —*

сўзларининг маъно-моҳиятида истиқлол шарофатини улугланӣ ётганини сезини қийин эмас. Иккинчи (асосий) баанднин учинчи мисрасида эса истиқлол сўзи бевосита тилга олинади ҳам:

*Истиқлол манъвали, тигчлик посбони...*

*Тўртминчиси* — малҳияда абадийлик руҳи кучли сингдирилган. Яшнагай то абад илму фан, ижод, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр, Эркин, ён аздодлар сенга зўр қанот ҳамда Ҳақссвар, она

юорт, мангу бүл обод мисралари бевосита шунга хизмат қилдирилган.

Шоир шу мұйжаз асарға мұйжиз тарзда ҳалқ қалбининг қурини тұка олған.

...Давлатнинг мадҳияси, байроли ва герби мамлакат ахли — ҳар бир фуқаро учун муқаллас қадрият.

## **МУНДАРИЖА**

<i>Биринчи боб. Байронимиз — яшвимиз</i>	4
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”	4
Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири	10
Тимсолигар — мұқылдас	11
<i>Иккинчи боб. Гербимиз — фахримиз</i>	17
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”	17
Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири	22
Тамшамиз	23
<i>Учинчи боб. Мадҳиямиз — гуруримиз</i>	26
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”	26
Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси	30
(Олтминн сўзининг соҳир қурдати	31

## **Қонуилар матнига ўзгартиш ва қўшимчалар**

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелида қабул қилинган Қонунида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 нояброда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июляда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонуиларининг айрим бандларига тегишили ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Тарихийлик принципи асосида аввал бу қонуний ҳужжатларнинг дастлаб қабул қилинган матнини бериб, сўнг ана шу ўзгариш ва қўшимчаларни илова қилишини мъткул тоидик.

**«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан:**

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўғрисида»ги Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №1, 27-модда):

**1) 5-моддасида:**

**1-банд** қўйнадаги таҳрирда басн этилсиз:

«1) доимий суратда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукуматининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биносида;

судларнинг биносида».

**4-банддаги** «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ депутатлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-банддаги** «Олий Кенгашининг Раиси», «Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — Миллий гвардия қўмонидони» деган сўзлар тегишинча «Олий Мажлисининг Раиси», «Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Олий Кенгashi Риёсатининг қарорига мувофиқ» деган сўзлар «Президентининг Фармонига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 12-моддасидаги** «халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия Қўмиталарига» деган сўзлар «вилоят, туман ва шаҳарларининг ҳокимликларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин

**IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июляда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбе-**

кистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9 328-модда):

1) 3-моддасининг иккинчи қисмидаги «ярим ой ва юлдузлар — олти рангида» деган сұзлар «ярим ой ва юлдузлар — оқ рангда» деган сұзлар билан алмаштирилсін;

2) 4-моддасыда:

**биринчи қисм 1-бандининг «б», «д» ва «е» кичик бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсін:**

«б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида»;

«д) Ўзбекистон Республикаси вазириклари, давлат қўмиталари Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг биноларида;

е) судларнинг биноларида»;

**биринчи қисмининг 2, 3 ва 4-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсін:**

«2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларida, шунингдек, туғилиш ва никоҳ тантана-ли суратда рўйхатта олинадиган хоналарда;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгashi, қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазириклари ва давлат қўмиталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг, судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат нотариал идораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида»;

**иккинчи қисмдаги «судлар ва ҳакамлик судлари — суд ўтказиладиган мажлис залларida» деган сұзлар «судларнинг суд мажлислари залларida» деган сұзлар билан алмаштирилсін.**

СУЛТОНМУРОД ОЛИМ  
ШАМСИДДИН ЖУМАЕВ

## **ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ**

(Ушбу рисола Узбекистон Республикаси Фан ва  
технологиялар маркази ҳомийлигига чоп этилмоқда)

Тошкент “Маънавият” 2002

Муҳаррир А. Жураев  
Рассом С. Соин  
Техн. муҳаррир Т. Золотилова  
Мусаҳҳиҳ С. Абдусаматова

Теринча 18.04.2002 й.да берилди. Босишга 15.05.2002 й.да рухсат этилди. Бігчими 84x108/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 2,10+ 0,21 рангли вкл. Шартли қр.-отт. 3,36. Нашр т. 2,02 + 0,22 рангли вкл. 50000 нұсха. Буюртма № К-9239. Нархи шартнома асосида.

“Маънавият” нашириети, Тошкент, Буюк Түрон, 41-үй.  
Шартнома 16—02.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитасининг ижара-  
даги Тошкент полиграфия комбинатида чоп этилди. Тошкент,  
Навоий күласи, 30-үй. 2002.

**Олим, Султонмурод, Жумаев, Шамсибек.**

Давлатимиз рамзлари /Масъул мухаррирлар: Н.Жураев, А.Болиев. —Т.: “Маънавият”, 2002.—40 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази.

ББК 67.400(5У)

